



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

2 (88) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

2 (88)

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

2026 февраль

УДК 616.89-008.441.44-05

СУД ТИББИЁТИДА СУИЦИДГА МОЙИЛЛИКНИ РЕТРОСПЕКТИВ АЁЛЛАР ОРАСИДА ТАҲЛИЛИ

М.Ф.Элиева <https://orcid.org/0009-0008-8441-4281>

Тошкент Давлат Тиббиёт Университети, 100109 Тошкент, Ўзбекистон Фаробий кўчаси 2,
Тел: +998781507825 E-mail: info@tdmu.uz

✓ Резюме

Ишда аёллар ўртасидаги ўз жонига қасд қилиш ҳолатларига суд-тиббий баҳо бериш ва суицидга мойилликни таъхислашнинг замонавий ёндашувлари кўриб чиқилади. Эксперт хулосасини беришда аҳамиятга эга бўлган клиник-психологик, изжтимоий-хулқ-атвор ва морфологик омилларга алоҳида эътибор қаратилган. Аёлларнинг суицидал хулқ-атвори механизмлари, мотивлари ва қўлланиладиган усуллари бўйича эркаларникидан фарқ қилиши кўрсатиб ўтилган, бу эса ихтисослаштирилган диагностик мезонларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Ҳолатни объектив равишда суицид сифатида малакалаш имконини берувчи асосий морфологик белгилар, етказилган шикастланишларнинг хусусиятлари, токсикологик, психиатрик ва анамнестик тадқиқот маълумотлари умумлаштирилган. Психозэмоционал ҳолат, суициддан олдинги хулқ-атвор, изжтимоий шароитлар ва аутопсия натижаларини мажмуавий баҳолаш суд-тиббий диагностикасининг аниқлигини ошириши ва суицидал хавф белгиларини аниқлаш имконини бериши таъкидланган. Иш мезонларни стандартлаштириш, гендер хусусиятларини ҳисобга олиш ва аёллар ўртасидаги суицид бўйича суд-тиббий экспертизасининг самарадорлигини ошириш учун фанлараро ёндашувни кенгайтириш зарурлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: суицид, аёллар, ретроспектив таҳлил, суд-тиббий экспертиза.

РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЙ АНАЛИЗ ФАКТОРОВ СУИЦИДАЛЬНОЙ ПРЕДРАСПОЛОЖЕННОСТИ У ЖЕНЩИН

М.Ф.Элиева <https://orcid.org/0009-0008-8441-4281>

Ташкентский государственный медицинский университет, 100109 Ташкент, Узбекистан, ул.
Фаробия, 2, Тел: +998781507825 E-mail: info@tdmu.uz

✓ Резюме

В работе рассматриваются современные подходы к судебно-медицинской оценке суицидов у женщин и диагностике суицидальной предрасположенности. Особое внимание уделено клинко-психологическим, социально-поведенческим и морфологическим факторам, имеющим значение при экспертном заключении. Показано, что женское суицидальное поведение отличается от мужского по механизмам, мотивации и используемым способам, что требует разработки специализированных диагностических критериев. Обобщены основные морфологические признаки, особенности характера нанесённых повреждений, данные токсикологических, психиатрических и анамнестических исследований, позволяющих объективно квалифицировать случай как суицид. Отмечено, что комплексная оценка психозэмоционального состояния, предшествующего поведения, социальных обстоятельств и результатов аутопсии повышает точность судебно-медицинской диагностики и позволяет выявить признаки суицидального риска. Работа подчеркивает необходимость стандартизации критериев, учёта гендерных особенностей и расширения междисциплинарного подхода для повышения эффективности судебно-медицинской экспертизы суицида у женщин.

Ключевые слова: суицид, женщины, ретроспективный анализ судебно-медицинская экспертиза.

RETROSPECTIVE ANALYSIS OF SUICIDAL TENDENCY AMONG WOMEN IN FORENSIC MEDICINE

M.F. Elieva <https://orcid.org/0009-0008-8441-4281>

Tashkent State Medical University, 100109 Tashkent, Uzbekistan, 2 Farobiy Street,

Tel: +998781507825 E-mail: info@tdmu.uz

✓ Resume

The paper examines modern approaches to the forensic medical evaluation of female suicides and the diagnosis of suicidal predisposition. Particular attention is paid to clinical-psychological, socio-behavioral, and morphological factors significant for the expert conclusion. It is demonstrated that female suicidal behavior differs from male behavior in terms of mechanisms, motivation, and methods used, which necessitates the development of specialized diagnostic criteria. The study summarizes key morphological signs, characteristics of the inflicted injuries, as well as data from toxicological, psychiatric, and anamnestic studies that allow for an objective qualification of a case as suicide. It is noted that a comprehensive assessment of the pre-existing psycho-emotional state, prior behavior, social circumstances, and autopsy results increases the accuracy of forensic medical diagnostics and helps identify signs of suicidal risk. The work emphasizes the need for standardizing criteria, considering gender specifics, and expanding a multidisciplinary approach to enhance the effectiveness of forensic medical examination of female suicides.

Keywords: suicide, women, retrospective analysis, forensic medical examination.

Долзарблғи

Ўзини ўлдириш ҳодисалари жаҳоннинг барча давлатларида ўткир ижтимоий - тиббий муаммоларидан бири ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра дунёда ҳар йили 800.000 дан ортиқ аёллар суицид ҳодисалари содир этилади [1,2]. Махсус адабиётлар маълумотлари аёллар суициднинг тарқалганлиги дунё мамлакатлари бўйича иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси, маданияти, миллий-этник урф одатлари ва диний эътиқодига кўра фарқланишини қайд этади. Бунда энг юқори кўрсаткич Шарқий Европа [3,4,5]. паст кўрсаткич эса ислом динига эътиқод қилувчи Осиё давлатларига тўғри келиши аниқланган [6,7]. Аёллар суицид ҳодисаси суицидентларнинг ёш гуруҳлари бўйича сезиларли даражада фарқланиши аксарият тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Бунда улар асосан иккита кўтарилиш даврини фарқлайди: биринчи давр 18-29 ёшлар, иккинчи давр эса 45 дан юқори ёшларга тўғри келган ўзини-ўзи ўлдириш болалар ва ўсмирларнинг ўлим сабаблари орасида ҳам бахтсиз ҳодиса ва қотилликлардан сўнг учинчи ўринни эгаллайди [8,9]. Ўтказилган тадқиқотлар суицидал ҳаракатни амалга оширишда маълум бир усулни танланиши ижтимоий, тиббий, биологик, ҳудудийлик каби кўплаб омилларга боғлиқ эканлигидан далолат беради. Зеро, ўзини ўлдириш усуллари ҳудудлар, халқлар, миллатлар, суицидентларнинг ёш ва жинс гуруҳлари бўйича сезиларли даражада фарқланиши эътиборга моликдир [10,11]. Аёллар суициднинг вужудга келишида алкогольнинг ўрни мутахассислар томонидан турлича баҳоланади. Хусусан, айрим муаллифлар шахсларнинг суицидни содир этишида асосан ижтимоий-психологик омиллар ҳал этувчи аҳамият касб этишини эътироф этиб, алкогольли моддаларни истеъмол қилиш уларни ҳаракатга келтирувчи этувчи омил сифатида аҳамиятли деган фикрлар мавжуд.

Ўзбекистонда болалар томонидан содир этилган аёллар суицид ҳолатлари, шунингдек Тошкент шаҳрида 1995-2000 йилларда қайд этилган ўзини ўлдириш ҳолатларининг айрим суд-тиббий масалалари таҳлил этилган. Аммо, таъкидлаш лозимки, ушбу эпизодик ишлар Ўзбекистонда аёллар суицид билан боғлиқ муаммони тўлақонлик акс эттирмайди.

Тадқиқотнинг мақсади: Аёлларда суициднинг суд-тиббий диагностикаси аниқлигини ошириш ва суицидал мойилликни ёаниқлаш имконини берувчи объектив клиник-психологик, ҳуқ-атвор ва морфологик мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда илмий асослаш.


Материал ва усуллар

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказида ўз жонига қасд қилиш натижасида вафот этган 118 нафар мурдалар, 18 нафар ўз жонига қасд қилишга уринган аёллар ва назорат гуруҳи сифатида 40 нафар турли касалликлардан вафот этган мурдаларнинг суд -тиббий экспертиза хулосаларининг таҳлили.

Натижа ва таҳлиллар


Барча ўрганилаётган ҳолатларда ўз жонига қасд қилиш натижасида вафот этган аёллар мурдаларининг суд-тиббий экспертиза ташҳислари тўғрилиги учун патоморфологик текширувлар натижалари ҳам таҳлил этилган.

Барча ўрганилаётган ҳолатларда аёллар ўртасида тугалланган суициддан ўлим ҳолатларини суд-тиббий экспертиза ташҳислари тўғрилиги ва ҳаққоний бўлиши учун умумий кенг қамровли суд-тиббий текширувлар натижалари ҳам таҳлил этилган (1-расм).



1-Расм

1-гуруҳни 20 нафар (25,4%) ўз жонига қасд қилиш натижасида вафот этган аёллар, 2-гуруҳни эса 18 нафар (23,2%) ўз жонига қасд қилишга уринган аёллар, ушбу маълумотларни ўзаро таққослаш мақсадида назорат гуруҳи сифатида 40 нафар турли касалликлардан вафот этган мурдалар ташкил этди.




2-Расм. Воқеа рўй берган вақтдан бошлаб 48 соатдан ошмаган ҳолатлар


Текширувларимиз аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш натижасида ўлим рўй берган вақтдан бошлаб баённомалар маълумотлари, тиббиёт хужжатларда қайд этилиши маълумотлари ва ушбу белгиларининг намоён бўлиши бўйича аникланди, бунда ходиса рўй берган вақтдан бошлаб 48 соатдан ошмаган ҳолатларни ўз ичига олади (2-расм).

Тадқиқотимизда ретроспектив, морфологик, суд тиббий ва статистик текширув усулларидадан фойдаланишга таянадиган тизимли ёндашув асос қилиб олинди.

Шунингдек, текширувларимиз давомида биз суицид содир этган аёлларнинг йилнинг айнан қайси фаслида кўпроқ учрашини ҳам ўрганиб чиқдик (3.-расм).



3 -расм. Ўз жонига қасд қилишни йил фаслларида учраш даражаси



4-расм. Ўз жонига қасд қилишга мойилликнинг намоён бўлиш даражаси

Таҳлиллар натижалари акс эттирилган диаграммадан маълумки асосан ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари йилнинг баҳор ва куз фаслларида учраши, мос равишда кейинги ўринларни қиш, ёзда содир этилган.

Шунингдек ушбу текширишларимиз давомида 18 нафар ўз жонига қасд қилишга уринган ва

тирик қолган аёллар ўртасида ўтказилган суицидал хавф сўровномасининг Т.Н.Разуваева модификацияси асосида таҳлиллар натижалари ҳам ўрганилди.


Мақсад: суицидал хавфнинг экспресс-ташхисоти; ўз жонига қасд қилишга жиддий уринишларнинг олдини олиш мақсадида суицидал ниятларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш. Ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бор инсонлар ва гиёҳвандлар учун мўлжалланган. Индивидуал ва гуруҳда тест ўтказилиши мумкин.

Ўз жонига қасд қилишга уринган махсус рўйхатда турувчи аёллар орасида суицидал ҳаракатлар ташхисоти таҳлил қилинди. Таҳлил қилишдан мақсад, 18 нафар аёлларда ўз жонига қасд қилишга мойилликни аниқлашга қаратилган тадқиқот давомида ўзини-ўзи ўлдиришга уринган махсус рўйхатда турувчи аёллар орасида ўтказилган тадқиқотларда қуйидаги натижалар олинди.

«СР-45» тестидан фойдаланган ҳолда тадқиқот давомида олинган маълумотларни қайта ишлашда, ўрганилган шахсларнинг 7 (38%) нафарида ўз жонига қасд қилиш реакцияларига мойиллик паст эканлиги аниқланди. Шунингдек, ўрганилаётган шахсларнинг 8 нафарида (42,5%) ўз жонига қасд қилиш реакциялари намоён бўлишининг ўртача даражаси аниқланди. 3 нафар (19,5%) гиёҳвандларда ўз жонига қасд қилиш реакцияларига юқори мойиллик кузатилди (4-расм).

Т.Н. Разуваеванинг модификацияси асосида ўз жонига қасд қилиш хавфи тўғрисидаги сўровномадан фойдаланиб шахсларни ўрганиш жараёнида олинган натижаларни қайта ишлаш мобайнида, шкалаларнинг ҳар бири учун қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди (5-расм).

Энг юқори натижалар «максималлик» 13%, «ижтимоий пессимизм» 10,0%, «аффективлик» 11% ва «намоийшкорлик» 11% шкалалари бўйича аниқланди. Бундай ҳолда намоийшкорлик бошқалар томонидан «бўхтон» сифатида қабул қилинадиган, «ёрдам учун йиғлаш» деб таърифланади. Энг хавфли ўз жонига қасд қилиш – бу ушбу омилни ҳиссий ўзгарувчанлик билан бирлаштириш ҳисобланади. Аффективлик вазиятни баҳолашда ҳиссиётнинг интеллектуал (ақлий) назоратдан устунлигида намоён бўлади. Белги намоён бўлишининг сўнгги чораси сифатида ақлнинг аффектив блокадаси кузатилиши мумкин.



4-расм. Ўз жонига қасд қилиш хавфи

Хулоса

Ишлаб чиқилган мезонлар мажмуаси суицид, бахтсиз ҳодиса ва саҳналаштирилган ўлимни ишончли фарқлаш имконини беради, бу эса суд-тиббий хулосаларнинг аниқлигини оширади. Аёллардаги суицид ҳолатларини суд-тиббий диагностикалашнинг стандартлаштирилган протоколини шакллантириш учун асос яратилади, бу айниқса яширин, шубҳали ёки саҳналаштирилган ҳолатларда муҳим аҳамиятга эга. Анамнез маълумотлари, руҳий ҳолатни

баҳолаш ва гистологик маркерлар асосида суицидал мойилликни аниқлаш ўлим механизмини ретроспектив баҳолаш имконини беради ва суд-тергов амалиётида хулосалар ишончлилигини оширади. Тадқиқот натижалари суд тиббиёти мутахассислари, психиатрлар ва криминалистларни тайёрлаш жараёнида, шунингдек методик тавсиялар ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аграновский М.Л. Психопатологические особенности личности пациентов с незавершёнными суицидами. Неврология. 2014;58(2):28–29.
2. Акалаев Р.Н. Мониторинг суицидального поведения подростков с острыми отравлениями. Вестник экстренной медицины. 2014;(2):37.
3. Алимов У.Х., Рустамов Х.Т. Об информативности некоторых факторов прогноза выраженности психических расстройств, обусловленных эпилепсией. Вопросы ментальной медицины и экологии. 2005;11(2):49.
4. Алимов У.Х., Рустамов Х.Т. Клинико-биологические факторы прогноза психических расстройств, обусловленных эпилепсией. Ташкент; 2011. 22 с.
5. Барыльник Ю.Б. Структура завершённых и незавершённых суицидов на территории Саратовской области (по данным за 2001–2010 гг.). Суицидология. 2011;(4):37–41.
6. Беляев Г.М. Стресс, адаптация, псориаз, планирование научных исследований по проблеме этого заболевания. Дерматология и венерология. 2002;(2):11–14.
7. Вальцдорф Е.В. Самопорезы среди способов суицидальной активности уголовно ответственных лиц. Суицидология. 2011;(1):56–57.
8. Ворошилин С.И. Генетико-биологические и физиологические факторы в генезе суицидального поведения. Суицидология. 2010;(1):33–35.
9. Зотов П.Б. Суицидальное поведение больных алкоголизмом позднего возраста в условиях синдрома отмены алкоголя (на примере Юга Тюменской области). Суицидология. 2012;(3):41–48.
10. Brown G.L., et al. Post-mortem evidence of structural brain changes in schizophrenia. Archives of General Psychiatry. 1986;43:36–42.
11. Christodoulou C, Douzenis A, Papadopoulos FC, Papadopoulou A, Bouras G, Gournellis R, Lykouras L. Suicide and seasonality. Acta Psychiatr Scand. 2012;125(2):127–146. doi:10.1111/j.1600-0447.2011.01816.x
12. Dias D, Bessa J, Guimarães S, Soares ME, Bastos Mde L, Teixeira HM. Inorganic mercury intoxication: a case report. Forensic Sci Int. 2016;259:e20–e24. doi:10.1016/j.forsciint.2015.12.018
13. Всемирная организация здравоохранения. Профилактика суицида: инфографика [Internet]. 2023 [цитировано 2026 фев 18]. https://www.who.int/mental_health/suicide-prevention/infographic/ru/

Қабул қилинган сана 20.01.2026